

ИҚТИСОДИЁТНИ ИНТЕГРАСТИЯЛАШТИРИШ ШАРОИТИДА ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Насибaxon Ахмедова Хасановна

Фарғона давлат университети

Жаҳон ва минтақа иқтисодиёти кафедраси ўқитувчиси

Аннотация: *Мақолада Иқтисодиётни интеграстиялаштириш шароитида инновацион фаолият бўйича айрим ёндашувлар тадқиқ қилинган, Инновацион жараён циклик характерга эга ва Инновацион жараёни умумий кўринишда занжирни ташкил қилишнинг асосий натижаларидан бири ишлаб чиқилган*

Таянч сўзлар: *инновацион фаолиятни, инновация, халқаро стандарт,*

КИРИШ

Республикамизда олиб борилаётган иқтисодий ва ижтимоий ислохотлар янги маҳсулот турларини ва технологик жараёнларни ўзлаштириш маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш каби бир қатор муаммоларни ҳал қилишни талаб қилмоқда. Ҳозирги вақтда корхоналарнинг ўз маҳсулотлари билан жаҳон бозорларига чиқиши учун, иқтисодий ўсишнинг анъанавий усулларида фойдаланиш етарли бўлмай қолди. Шунинг учун инновацион жараёнларни илмий ва самарали бошқариш жуда долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Республикамизда кейинги йилларда инновацион фаолиятни молиялаштириш, фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқаларни кенгайтириш борасида бир қатор ишлар қилинди.

Бу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий мажлисга мурожаатномасида ривожланган мамлакатга айлантиришни мақсад қилиб қўйган эканмиз, бунга фақат жадал ислохотлар, илм-маърифат ва инновация билан эриша оламиз деган фикрлари муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳон иқтисодий адабиётларида «инновация» салоҳиятли илмий - техникавий тараққиёт натижаларини реал ҳаётга жорий этилиши, янги маҳсулотлар ва технологияларда намоён бўлиш жараёни сифатида таҳлил қилинади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯСИ

“Инновастия” атамасидан Ўзбекистоннинг ўтиш иқтисодиётида ҳам мустақил ва ҳам бир қатор ўхшаш тушунчалар: “Инновацион фаолият”, “инновацион жараён”, “инновацион қарор” ва ҳ.к. белгилаш учун фойдаланилган.

Турли олимлар, айниқса хорижликлар (N. Monchev, I. Perlaki, V.D. Hartman, E. Mensfeld, R. Foster, B. Tviss, Y. Shumpeter, E. Rodjers ва бошқалар) бу тушунчани ўзларининг тадқиқотлари объекти ва предметига кўра ҳар хил талқин қиладилар, аммо инновастияларнинг бу ҳар хил таърифларининг таҳлили шундай хулосага олиб

келадик, ўзгаришлар инновацияларнинг ўзига хос мазмунини ташкил қиладилар, ўзгаришлар вазифаси эса инновация фаолиятнинг асосий вазифаси бўлади.

Австралиялик олим I. Shumpeter беш асосий ўзгаришларни ажратган:

1. Янги техникадан, янги технологик жараёнлардан фойдаланиш ёки ишлаб чиқаришнинг янги бозор таъминоти.

2. Янги хусусиятларга эга бўлган маҳсулотни жорий қилиш.

3. Янги хом-ашёни қўллаш.

4. Ишлаб чиқаришни ташкил қилишда ва унинг моддий-техник таъминотида ўзгаришлар.

5. Маҳсулот сотишнинг янги бозорини очиш.

Бу қоидалар Y. Шумпетер томонидан 1911 йилдаёқ шакллантирилган. Кейинроқ, 30 – йилларда у инновация тушунчасини, уни истемол товарларининг янги турлари янги ишлаб чиқариш ва техник воситалар, бозорлар ташкил шакллари саноатга тадбиқ этиш ва уларда фойдаланиш мақсадидаги ўзгариш сифатида талқин этган ҳолда киритган. Баъзида инновацияга жараёнли тизим сифатида қаралади, шунинг билан янгилик киритишни вақтда ривожланиши ва яққол акс этирилган босқичлилиги тан олинади.

Иқтисодий интеграциялаштириш шароитида инновацион фаолият методологияси халқаро стандартларга асосланади. Иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (IHRT) томонидан фан ва техника кўрсаткичлари бўйича миллий экспертлар гуруҳи ташкил қилинган бўлиб, улар Фраскати қўлланмаси тузишган («Тадқиқотлар ва экспериментал ишларни таҳлил қилиш учун стандарт амалиёт»).

Fraskati қўлланмасидаги кўрсатмалар вақт - вақти билан қайта кўрилади (охирги нашр 1993 йилда чиқарилган). Ана шу халқаро стандартларга биноан инновация - инновацион фаолиятнинг якуний маҳсули бўлмиш, бозорга жорий қилинган янги ёки такомиллашган маҳсулот, амалий фаолиятда қўлланиладиган янги ёки такомиллашган технологик жараён, ёки ижтимоий хизматларга янгича ёндашиш каби сифатида таърифланади.

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Инновация тўғрисида гапирадиган бўлсак, қуйидаги тушунчаларни ўзлаштиришимиз лозим:

1. Янгилик - бу янги тартиб, янги услуб, кашфиёт.

2. Янгилик киритиш - шу янгиликнинг амалда қўлланилиши.

3. Инновация - янгиликнинг тарқатилиши.

Инновация жараён инновация ўзгаришларни тайёрлаш ва амалга оширишдан иборат бўлади ва ягона бир бутунни ташкил қилувчи ўзаро боғланган паллалардан ташкил топган. Бу жараённинг натижасида амалга оширилган ўзгариш инновация пайдо бўлади. Инновация жараёни амалга ошириш учун диффузия – янги шароитлар ва қўллаш жойларда бир марта ўзлаштириб ва фойдаланиб бўлинган

инновацияларни вақтда тарқатиш жуда катта аҳамиятга эга. Инновацион жараён давравий характерга эга, буни иқтисодий ташкил қилиш ва бошқаришнинг ихчам тизимларини ишлаб чиқишда ҳисобга олиш зарур.

Инновацион жараённинг уч шаклини ажратиш зарур:

1. оддий ташкилот ичидаги;
2. оддий ташкилотлараро;
3. кенгайтирилган.

Оддий ташкилот ичидаги инновацион жараён бу - янгиликнинг ташкилот ичида яратилиши ва унинг ўзида қўлланилиши.

Оддий ташкилотлараро инновацион жараёнда янгилик – савдо-сотиқ предмети сифатида намоён бўлади.

Кенгайтирилган инновацион жараён бу – янги янгилик яратувчи ишлаб чиқарувчиларнинг намоён бўлиши, ишлаб чиқариш монополиясининг бузилишидир.

Оддий инновацион жараён икки фазада кенгайтирилган жараёнга ўтиши мумкин:

1. Янгиликни яратиш ва тарқатиш.
2. Янгилик киритиш диффузияси.

Инновация бу-коммуникациядан боғлиқ бўлган ахборот алмашиш жараёни.

Инновация диффузияси - ўзлаштирилган инновацияни тарқатиш ва янги шароитларда қўллаш

Инновацион жараён циклик характерга эга ва Инновацион жараёни умумий кўринишда занжир кўринишида ёзиш мумкин:

$$FT - AT - I - L - Q - O' - SICh - M - Sot,$$

бу ерда FT ва AT – фундаментал ва амалий тадқиқотлар; I – ишлама;

L – лойиҳалаштириш;

Q – қурилиш;

O' – ўзлаштириш;

SICh – саноат ишлаб чиқариш;

M – маркетинг;

Sot – сотиш.

Бу занжирчани таҳлил қилиш учун унинг ҳар хил элементлари ўртасидаги тескари алоқа омилларидан абстракклашиш (предметлар ва улар ўртасидаги муносабатларнинг бир қатор хусусиятларидан уларнинг муҳим аломатларини ажратиш мақсадида ҳаёлан чалғимоқ), FT – O' давраси узунлигини (у 10 йилдан кўпроқ давом этиши мумкин) ва паллалардан ҳар бири (FT – AT; L - Q) нинг нисбий мустақиллигини ҳисобга олиш зарур. Илмий фаолият тушунчаси билан боғлиқ фундаментал (назарий) тадқиқот ҳар қандай инновацион жараённинг бошланғич босқичи бўлади. Албатта, давранинг ҳар бир алоҳида элементи фундаментал тадқиқот билан боғлиқ илмий фаолият билан тўлдирилганю Шу нарса характерлики, FT дан SICh гача янги муълумотларнинг миқдори камайиб боради. Бунда тадқиқот

фаолияти борган сари кўникмалар, тажрибалар ва стандартли усуллар билан алмашиб боради.

Агар FT нинг якуний натижаси ҳақида гап кетса, унда фақат савол назарияси соҳасидаги янги, ажойиб, исботланган маълумотлар ва ахборотларни олиш ва қайта ишлашга қаратилган тадқиқот фаолиятини ажратиш керак. Назарий тадқиқот бевосита аниқ амалий вазифаларни эчиш билан боғланмаган, аммо худди унинг ўзи инновацион жараённинг пойдеворидир. Шунинг билан бирга назарий тадқиқотларнинг амалиётнинг эҳтиёжлари ва предмет ҳақидаги олдинги билимларнинг синтези билан асосланиши мумкин.

Фундаментал тадқиқотлар, қоидага кўра, амалий тадқиқотларда рўёбга чиқадилар, аммо бу нарса дарҳол содир бўлмайди. Фақат баъзи бир тадқиқотлар АТ – II ва ҳ.к. рўёбга чиқадилар. Фундаментал тадқиқотлар мавзуларининг тахминан 90 % салбий натижага эга бўлиши мумкин. Ижобий натижага эга қолган 10 % дан ҳаммаси ҳам амалиётда қўлланилмайди. Ахир фундаментал тадқиқотнинг мақсади – жараён (масала назарияси)ни англаш ва ривожлантиришдир.

Амалий тадқиқотлар (АТ) бутунлай бошқа мақсадга қаратилганликларга эгалар. Бу “билимларни моддий ҳолат” га келтириш, уларни ишлаб чиқариш жараёнида ўзгартириш, янги маҳсулот, технологик чизмалар ва ҳ.к. топширишдир.

Ишламалар натижасида янги машиналар (ускуналар)нинг конструктивияси яратилади ва жараён лойиҳалаштириш (L), кўриш, ўзлаштириш (O') ва саноат ишлаб чиқариши (SICh) паллаларига ўтади. M ва Sot паллалари тўғридан – тўғри инновацион жараён натижаларини тижоратли сотиш билан боғлиқдир.

ХУЛОСА

1.Инновация – бу салоҳиятли илмий техникавий тараққиёт натижаларини реал ҳаётга жорий этилиши, янги маҳсулотлар ва технологияларда намоён бўлиш жараёнидир.

2.Инновацион жараённи уч шаклга ажратиш мумкин: оддий ташкилотлар ичида, оддий ташкилотлараро, кенгайтирилган.

3.Инновацион менежмент – бу инновацион жараёнларни, инновацион фаолиятни, бу фаолият билан банд бўлган ташкилий тузилма ва унинг ходимларини бошқариш тамойиллари, услублари ва шакллари тўпламидир.

4.Инновацияларни технологик параметри, бозор учун янгилиги, тизимдаги ўрни, киритилган ўзгаришларнинг чуқурлиги ва фаолият соҳаси бўйича туркумлаш мумкин.

REFERENCES:

- 1.Тулчинский Г.Л. Менеджмент в сфере культуры. (Электрон ресурс): учебное пособие. – Москва, Планета музыки, 2013. -544 с.
- 2.Akhmedova, N. K., & ugli HOMIDOV, K. K. (2022). Institutional Basis of Digitalization of Management Activity of Food Industry Enterprises in Uzbekistan. *American Journal of Economics and Business Management*, 5(11), 34-38.
- 3.Маннопова, М. С. (2023). ДЕЯТЕЛЬНОСТЬ ПЛОДООВОЩНЫХ КЛАСТЕРОВ УЗБЕКИСТАНА И ОРГАНИЗАЦИОННО-ЭКОНОМИЧЕСКИЕ МЕХАНИЗМЫ УПРАВЛЕНИЯ ИМИ. *Scientific Impulse*, 1(10), 989-997.
- 4.Sultanbekovna, M. M. (2023). DISTINCTIVE FEATURES OF THE ORGANIZATIONAL AND ECONOMIC MECHANISMS FOR THE MANAGEMENT OF FRUIT AND VEGETABLE CLASTERS. *Journal of Advanced Scientific Research (ISSN: 0976-9595)*, 3(3).
- 5.Akhmedova, N. K. (2023). THEORETICAL APPROACHES TO ASSESSING THE POTENTIAL OF INNOVATION IN THE DEVELOPMENT OF TERRITORIES. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 3(3), 1053-1056.
- 6.Рахимов, Д. (2019). Свободно-экономические зоны-расширение экспортного потенциала Узбекистана. *Архивариус*, (12 (45)), 42-44.
- 7.Hasanovna, A. N. (2023). QISHLOQ XO 'JALIGI TARAQQIYOTIDA MEVA-SABZAVOT EKSPORTINING O 'RNI VA AHAMIYATI. *World scientific research journal*, 15(1), 71-78.
- 8.Raximov, D. (2021, December). Determined criteria for diversification in industrial enterprises. In *International Scientific and Current Research Conferences* (pp. 60-64).
- 9.Ахмедова, Н. Х. (2023). РОЛЬ И ЗНАЧЕНИЕ ПЛОДООВОЩНОГО ЭКСПОРТА В РАЗВИТИИ СЕЛЬСКОГО ХОЗЯЙСТВА В УЗБЕКИСТАНЕ. *ОБРАЗОВАНИЕ НАУКА И ИННОВАЦИОННЫЕ ИДЕИ В МИРЕ*, 19(7), 37-45.
- 10.Маннопова, М. С. (2019). Oziq-ovqat sanoati ravnaqining beqiyos ahamiyati. *O 'zbekiston iqtisodiy axborotnomasi*, 1(1), 44-47.
- 11.Маннопова, М. С. (2023). СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ ОРГАНИЗАЦИОННО-ЭКОНОМИЧЕСКИХ МЕХАНИЗМОВ УПРАВЛЕНИЯ ПЛОДООВОЩНЫМИ КЛАСТЕРАМИ В УЗБЕКИСТАНЕ. *Scientific Impulse*, 1(9), 512-519.
- 12.Рахимов, Д. Ш. (2021). САНОАТ ИҚТИСОДИЁТИДА МАҲАЛЛИЙЛАШТИРИЛАЁТГАН МАҲСУЛОТЛАРНИ ДИВЕРСИКАЦИЯЛАШ ОМИЛИ СИФАТИДА. *Scientific progress*, 1(6), 505-511.
- 13.Рахимов, Д. Ш. (2022). THE ROLE OF INFORMATION TECHNOLOGY IN PRIORITY DIRECTIONS OF INDUSTRY DIVERSIFICATION САНОАТ ДИВЕРСИФИКАЦИЯСИНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИДА АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ РОЛИ. *INFORMATION TECHNOLOGIES AND MANAGEMENT IN HIGHER EDUCATION AND SCIENCES*, 276.
- 14.Рахимов, Д. (2021). DETERMINED CRITERIA FOR DIVERSIFICATION IN INDUSTRIAL ENTERPRISES. *Scienceweb academic papers collection*.

15.Rahmonaliyevich, K. D. (2020). Choosing the optimal rule of monetary policy, taking into account changes in the main macroeconomic indicators. ACADEMICIA: An International Multidisciplinary Research Journal, 10(12), 1351-1356.

16.Rakhimov, D. S. (2023). THE ROLE OF INFORMATION TECHNOLOGY IN PRIORITY DIRECTIONS OF INDUSTRY DIVERSIFICATION. Publishing House "Baltija Publishing".

17.Рахимов, Д. Ш. (2023). МИЛЛИЙ САНОАТ КОРХОНАЛАРИДА ДИВЕРСИФИКАЦИЯНИ ҚЎЛЛАШ СИФАТИНИ АНИҚЛАШНИНГ АСОСИЙ КЎРСАТКИЧЛАРИ. Journal of new century innovations, 40(2), 18-22.

18.Rakhmonaliyevich, K. D. (2023). UNIVERSITETNING YANGI MODELI: ZAMONAVIY AXBOROT TEXNOLOGIYALARINING TA'SIRI. JOURNAL OF INNOVATIONS IN SCIENTIFIC AND EDUCATIONAL RESEARCH, 6(4), 983-991.

19.Рахимов, Д. Ш. (2020). ПЕРСПЕКТИВЫ РАЗВИТИЯ ОТРАСЛЕЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ УЗБЕКИСТАНА. In МИНТАҚА ИҚТИСОДИЁТИНИ ИНВЕСТИЦИЯЛАШНИНГ МОЛИЯВИЙ-ҲУҚУҚИЙ ВА ИННОВАЦИОН ЖИҲАТЛАРИ (pp. 523-527).

20.Raximov, D. (2021, December). Determined criteria for diversification in industrial enterprises. In International Scientific and Current Research Conferences (pp. 60-64).

21.Рахимов, Д. (2021). DETERMINED CRITERIA FOR DIVERSIFICATION IN INDUSTRIAL ENTERPRISES. Scienceweb academic papers collection.

22.Khakimov, D. R. (2023). WAYS TO IMPROVE THE MANAGEMENT OF AN EDUCATIONAL INSTITUTION IN THE CONDITIONS OF THE DEVELOPMENT OF MARKET RELATIONS. Publishing House "Baltija Publishing".

23.Raximov, D. S. (2022). DIRECTIONS OF DIVERSIFYING INNOVATION PROCESSES IN THE INDUSTRY NETWORK. World Economics and Finance Bulletin, 16, 107-110.

24.Raximov, D. S. (2021). DIVERSIFIKATSIYA HUDUDLAR SANOATNI MUVOZANATLI STRATEGIK RIVOJLANTIRISH YO 'NALISHLARI. Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences, 1(3), 199-207.

25.Рахимов, Д. (2021). DIVERSIFIKATSIYA HUDUDLAR SANOATNI MUVOZANATLI STRATEGIK RIVOJLANTIRISH YO 'NALISHLARI. Scienceweb academic papers collection.

26.Rakhimov, D. S. (2023). EFFICIENCY LEVELS OF INDUSTRY DEVELOPMENT IN IMPLEMENTATION OF STRUCTURAL REFORMS. International Multidisciplinary Journal for Research & Development, 10(11), 8-12.

27.Рахимов, Д. Ш. (2023). САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ХУДУДЛАР ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ. Journal of new century innovations, 40(2), 23-30.

28.Rakhimov, D. S. (2023). EFFICIENCY LEVELS OF INDUSTRY DEVELOPMENT IN IMPLEMENTATION OF STRUCTURAL REFORMS. International Multidisciplinary Journal for Research & Development, 10(11), 8-12.

29.Рахимов, Д. Ш. (2023). САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШДА ХУДУДЛАР ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТИ. Journal of new century innovations, 40(2), 23-30.